



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ХАРАЖАТЛАРИНГ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Махкамова Саида Гайратовна -

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a23

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқариши мөдернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларнинг ҳисобга олиш усулларини ташкил этиш ва маҳсулот таннархини аниқлашда замонавий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Калим сўзлар: харажатлар, меъёрий харажатлар, ҳақиқий сарфлар, меъёрдаги сарфлар, четга чиқишлар, таннарх, калькуляция, қайднома.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРИНЦИПОВ УПРАВЛЕНИЯ ЗАТРАТАМИ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ

Махкамова Саида Гайратовна -

старший преподаватель кафедры
“Бухгалтерский учёт” Ташкентский
Государственный экономический университет

Аннотация. Статья состоит из разработки актуальных предложений и рекомендаций по организации методов учета затрат и определения себестоимости продукции, исходя из специфики хозяйствующих субъектов в условиях модернизации производства.

Ключевые слова: затраты, нормативные затраты, фактические затраты, нормативные затраты, отклонения, себестоимость, калькуляция, ведомость.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE PRINCIPLES OF COST MANAGEMENT IN BUSINESS ENTITIES

Maxkamova Saida Gayratovna -

Senior Lecturer, Department of Accounting
Tashkent State University of Economics

Annotation. The article consists of the development of proposals and recommendations of modern importance in the organization of cost accounting methods and determining the cost of production, based on the specifics of business entities in the context of modernization of production.

Keywords: costs, normative costs, actual costs, standard costs, deviations, cost, calculation, account.

Кириш. Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш бора-сида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва мөдернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, қўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз. Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фонdlардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Албатта, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг биринчи омили ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланса, иккинчи омили маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг илғор усулларидан фойдаланишдир. Бу ўринда амалдаги ҳисоб тизимини ривожлантириб бориш кўзда тутилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида содир бўлган харажатларни гурухлаштириш у ёки бу бошқарув карорларини қабул қилишга йўналтирилган. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз менеджерларининг талабидан келиб чиқсан ҳолда ва уларнинг талабини қондириш учун айрим олинган ҳисоб тизимининг лойиҳасини ишлаб чиқадилар. Шу билан бир қаторда ушбу ҳисоб тизимларининг хилма-хиллигидан қатъий назар субъектлар фаолиятининг назарияси ва амалиёти томонидан харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишини ташкил қилишнинг умумий тартиби ишлаб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили. Бошқа фанлар каби “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўрганиш ва ривожлантиришда назарий, амалий ва илмий жиҳатдан ёндашилади. Шу сабабли фаннинг ривожланиш жиҳатларини тўғри ажратиб олмоқ зарур. Масалан, буюк италян математиги Луки

Пачоли (1445-1517) томонидан яратилган иккى-ёқлама ёзув бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳам ва илмий кашфиёт ҳам эмас. Луки Пачоли фақат амалий жиҳатдан ҳисобнинг бир муолажасини (босқичини) яратди ва унинг кашфиёти фаннинг назарий ҳамда илмий жиҳатдан ривожланиши учун асос ёки турткы бўлди. Кейинчалик, XIX асрнинг ўрталарида “Бухгалтерия ҳисоби” фани илмий жиҳатдан ривожлантирилди.

Шунинг давоми сифатида харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясига ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, немис олими А.Кальмес фикрича, “Калькуляция қуйидаги мақсадда қўлланилади: таннархни пасайтириш, сотиш баҳосини аниқлаш ва жорий ҳисобида буюмни баҳолаш”. У калькуляцияни қуйидаги икки турга бўлади: ягона (барча харажатлар белгиланган бир объектга тегишли бўлади) ва умумий (барча харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот сони бўйича тақсимланади). Биринчи ҳолат бўйича аниқ таннарх шаклланади, иккинчи ҳолат бўйича фақат ўртача арифметик[3].

Шунингдек, рус олимлари Н.А.Блатов, Р.Я.Вейцман, А.П.Рудановский, А.М.Галаганлар таннархни аниқлашнинг заруриятини жуда синчковлик билан аниқлаб берганлар. Уларнинг фикрича, “Ишлаб чиқариш калькуляцияси қуидагиларни таъминлайди:

1) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини шакллантирувчи барча омиллар таркибини ўрганади;

2) маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича топшириқларни бажарилишини узлуксиз назорат қиласди;

3) таннархни режалаштириш бўйича керакли барча маълумотларни етказиб беради;

4) маҳсулотнинг сотиш баҳосини белгилаш маълумотларига эга бўлинади;

5) корхона ёки ишлаб чиқариш цехининг молиявий натижалари аниқланади;

6) ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва ташқил қилишдаги салбий ҳолатлар аниқланади ҳамда барҳам берилади” [4,5,6,7].

Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков ва бошқа олимларимиз фикрича ҳар бир субъектда харажатларни ҳисобга олишнинг усулини танлаш ушбу субъектнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Лекин умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта турини ажратиш мумкин:

А. Меъёрий харажатлар бўйича ҳисобга олиш.

Ушбу усулда сарфланган ҳақиқий харажатлар қуидаги кўринишда аниқланади:

Меъёрий харажатлар ± меъёрдаги харажатлардан четга чиқиш = ҳақиқий харажатлар.

Ушбу тартибда бухгалтерия ҳисобида моддий кийматларнинг (асосий материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар) ҳаракати белгиланган меъёrlар бўйича баҳоланиши шартидан келиб чиқилади. Ушбу фаолият жараённада аниқланган четга чиқишлар рўёбга чиқиши ҳолатида йиғилиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида меъёрдаги харажатларнинг ҳажмига қўшилади.

В. Ҳақиқий ва меъёрдаги харажатларни бир йўла ҳисобга олиш.

Ушбу усул ишлаб чиқаришдаги харажатлар тўғрисидаги маълумотларни икки баҳода:

- ҳақиқатда йиғилган харажатлар бўйича;
- ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажмига сарфланган меъёрий харажатларнинг микдорида ёритишни назарда тутади.

Ҳақиқий сарфлар - Меъёрдаги сарфлар = ±Четга чиқишлар.

С. Арапаш усулда ҳисобга олиш.

Ушбу усул иккита йўл билан ҳисобни юритиши назарда тутади.

Биринчи йўл. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг амалиётида кенг таркалган ва мамлакатимизда ҳам қўлланиши тавсия қилинган. Лекин ҳисобот даври давомида жами четга чиқишни аниқ даражада ҳисобга олиш имконияти мавжуд эмас. Ҳисобот ойининг охидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг меъёрий таннархи ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг меъёрдаги ҳажми билан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг меъёрий таннархининг фарқи кўринишида аниқланади. Натижада ой давомида ёки бошқа ҳисобот даврида ҳисобга олинмаган четга чиқиш суммаси ҳисобот даврининг охидаги ишлаб чиқаришнинг кийматига қўшилади.

Иккинчи усул. Асосий харажатлар бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя қилиш устидан кундалик назоратни ўрнатишни назарда тутади. Ҳисобот даври давомида меъёрдан четга чиқиш бўйича олинган маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларида умумлаштирилмайди ва счёtlарда қайд қилинмайди [9,10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тизимга ёндошиш, қиёсий таҳлил, гурӯҳлаш, тақослаш, иқтисодий таҳлил ва монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мұхоказаси. Бизнинг фикримича, ҳар қандай категория, атама ва ҳодисага таъриф беришда ўша даврдаги вазият инобатга олиниши керак. Республикализ мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий ислоҳотлар туфайли ҳисоб тизимида ҳам анча ютуқларга эришилди. Жумладан, бошқа иттифоқдош республикалардан фарқли ўлароқ, мустақил ҳисоб сиёсати шакллантирилди. Натижади

да, харажатларни гурухлаш, ҳисобга олиш, тақсимлаш тартиби тубдан ўзгарди. Республика-мизнинг амалдаги ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда биз томондан калькуляцияга қўйидагича таъриф берилди:

Калькуляция – бу ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган иштаннархини аниқлаштирди.

Таннарх - маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишни бажариш учун кетган ишлаб чиқариш харажатларининг пул ўлчов бирлигida ифодаланишидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков ва бошқа олимларимиз фикрича ҳар бир субъектда харажатларни ҳисобга олишининг усулини танлаш ушбу субъектнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши ва умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта тури кўриб чиқилди:

1. Меъёрий харажатлар бўйича ҳисобга олиш.
2. Ҳаққиқий ва меъёрдаги харажатларни бир йўла ҳисобга олиш.
3. Аralаш усулда ҳисобга олиш.

Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиши суммаси баҳоланганд тайёр маҳсулотнинг ҳажмига сарфланган ҳаққиқий харажатлар билан ушбу маҳсулот учун сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатларни таққослаш йўли билан бир хил маҳсулотларнинг ҳар бир гурухи бўйича аниқланади. Ушбу ҳолатда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати ишлаб чиқаришда ярим фабрикатлар ҳаракатининг баланси бўйича натура кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий таннархи бўйича баҳоланади, ёки бўлмаса ишлаб чиқариш бўлинмаларидағи тугалланмаган ишлаб чиқаришни хатлаб ҳисобга олиш асосида баҳоланади.

Калькуляция қилиш ҳисоби усулиниң иккита йўлини:

- ҳисобот даврида аниқланган меъёрдан четга чиқиши суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (тайёр маҳсулот, ярим ҳолатлардаги ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда - сотилган маҳсулот)нинг таннархига олиб бориш, ёки бўлмаса

- ушбу меъёрдан четга чиқиши суммасини ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўртасида тақсим қилишни амалиётга тадбиқ қилишни назарда тутади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ҳисобга олиш жараёнининг босқичи бу ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг йиғма ҳисобидир. Бу босқичда сарфлар ҳар хил белгилари бўйича гурухлаштирилади. Харажатларни ҳисобга олишнинг

меъёрий усулида ушбу харажатларнинг йиғма ҳисоби тегишли бўлинмадаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича натижаларни аниқлаш мақсадида вазифаларнинг туркумини ажратади. Шунинг учун олдинга кўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ушбу йиғма ҳисоб регистрининг мазмуни шакллантирилади.

Ушбу ҳолат, мақсад, вазифа ва мазмунни аниқ битта субъектнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб чиқиши лозим. Ушбу субъектнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шу қайдномада тугалланмаган ишлаб чиқариш, сарфланган харажатларнинг тегишли моддалари бўйича тайёр маҳсулот, яроқсиз деб топилган маҳсулот, камомадлар, меъёрнинг ўзгариш даражаси, меъёрдан четга чиқишнинг ҳажми келтирилган.

Йиғма ҳисоб регистрини ишлаб чиқаришда ушбу хужжатни амалиётда кўллаш шартлари қўйидагича белгиланган:

- субъектнинг технология, ишлаб чиқариш бўлимлари ва иқтисодий хизматлари ўртасида келишилган ва бошқаришнинг ҳар хил поғоналаридағи харажатларнинг йиғма ҳисобида қайд қилинадиган кўрсаткичларнинг турлари ва уларнинг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимини яхшилашни ушбу фаолиятнинг самарадорлигига таъсирини билиш;
- технология ва ишлаб чиқариш хизматлари учун ушбу бўлимнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги;
- субъектдаги ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини бошқариш учун ушбу ахборотлардан ўз вактида ва самарали фойдаланиш.

Харажатларнинг йиғма қайдномасида ушбу сарфларни умумлаштиришнинг асосий услубий шарти қилиб ишлаб чиқариш ҳисобида қайд қилинган ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошираётгандаги ҳолатини ҳар томонлама ва тенг кўрсаткичда ёритиш ва молиявий ҳисобда кўрсатилган ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг ўсиш ҳолатини акс эттириш олинган. Ушбу ҳолатда сарфларнинг рўёбга чиқиши, ўсиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига олиб бориш жараёнлари субъектнинг ишлаб чиқариш таркибини тақрорловчи бирбирлик ҳисоб жараёни сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг бошқа услубий принципи (шарти) ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг таркибини бевосита сарфлар ҳисобига чегаралаштирди, чунки бу харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми билан бевосита боғлиқидир.

Хўжалик юритувчи субъект нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисобининг самарали турларидан биттасини танлаб олиш ҳар бир субъектнинг аниқ шарои-

ти ва хусусияти (технология, ташкилий таркиби)дан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳисоби тизимидағи йиғма ҳисоб тартиби бир неча босқични ўз ичига олади ва улар қўйидагилардан ташкил топган:

А. Бевосита харажатларнинг дастлабки ҳисоби. Уйғуллашган дастлабки ҳужжатлар асосида деталлар, йиғиш бирликлари, бўлаклар ва агрегатлар бўйича сарфланган моддий қийматларнинг ҳисобланган меъёрий ҳажми бўйича маълумотларни шакллантиради. Технология жараёнидаги содир бўлган четга чиқишлар тегишли бўлинмалар-бригадалар бўйича умумлаштирилади. Бухгалтерия ҳисобида эса ушбу ва шунга ўхшаш маълумотлар тегишли бўлим-бригадаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга таълукли четга чиқиш индексини ҳисоблаб чиқиши учун фойдаланилади. Меъёрий калькуляцияни тузиш шартига мувофиқ ресурсларнинг турлари бўйича меъёрдан четга чиқишлар калькуляция обьектлари бўйича қайта гурухлаштирилади. Ушбу тартиб хом-ашё ва материаллардан дастлабки фойдаланаётган бригадаларга тадбик қилинади.

В. Тайёр маҳсулот бўйича четга чиқиш, ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот, технология жараёнида йўқотиш ва сақлаш жараёнидаги фарқлар дастлабки ҳужжатларда натура кўринишида қайд қилинади. Ушбу кўринишидаги четга чиқишлар тўғрисидаги маълумотлар цех ёки бўлимнинг балансида бригадалар бўйича умумлаштирилади. Харажатларнинг йиғма ҳисобида эса ушбу натура кўринишидаги фарқлар материаллар ва меҳнат хақи сарфларининг жорий меъёrlари бўйича баҳоланади. Ҳужжатлаштирилган яроқсиз маҳсулотлар ҳам натура кўринишидаги ҳужжатлаштирилмаган четга чиқишлар сифатида аниқланади. Ушбу тартибининг қўлланиши ҳар бир бригада бўйича ресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш, ярим фабрикатлар бўйича йўқотишларнинг содир бўлган жойлари бўйича қайд қилиш ёки умумий тежалган суммада ҳар бир бўлинма, бригаданинг улушини аниқлашга ёрдам беради. Натижада якуний натижалар бўйича ҳар бир бўлинмани моддий рағbatлантириш учун асос яратилади.

Бундан ташқари меъёрий маълумотларнинг мажмуасидан фойдаланиш ҳар бир детал, ярим фабрикатларнинг таннархини калькуляция қилмасдан йўқотиш ва яроқсиз маҳсулотларни қоплаш бўйича бир хил баҳоларини аниқлаш ва жавобгар шахсларнинг зиммасига олиб бориш ёки ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш имкониятини яратади. Ушбу четга чиқишларнинг натура кўринишидаги маълумотларини

умумлаштириш аналитик хусусиятга эга бўлиб, ички бўлимларнинг фаолиятини юритиши тартиби билан ўзвий равища боғланган. Моддий ва меҳнат сарфлари кўринишидаги четга чиқишлар калькуляция обьектларига тақсим қилиш учун кўшимча ҳисоблашларни талаб қilmайди, чунки у аниқ меҳнат куролига, тайёрлаш, ўраш, қувиш, деталлар, йиғма бирликлар, агрегатлар ва буюмларга бириктирилган. Ушбу тартибининг қўлланилишига қараб содир бўлган четга чиқишлар тегишли обьектнинг таннархига олиб борилади.

С. Мустақил хўжалик ҳисобига ўтказилган ва ўзининг таркибида бўлинмалари бўлмаган бригадалар ва ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг аналитик ҳисоби ушбу харажатларнинг элементлари бўйича, цехлар ва субъект бўйича калькуляция моддалари, харажатларнинг турлари, маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича юритилади.

Харажатларнинг йиғма қайдномаси учун ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисобини юритувчи карточкаларнинг иккита шакли зарур. Уларнинг биттаси бригада бўйича материаллар, сотиб олинадиган яримфабрикатлар, комплектлаштириладиган буюмлар, ўзида ишлаб чиқарилган яримфабрикатлар, чиқиндилар ва меҳнат хақи сарфларини умумлаштириш учун ишлатилади. Ушбу карточканинг иккинчиси эса айрим маҳсулот ёки ўхшаш маҳсулотларнинг гуруҳи бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. У ўзида Молия вазирлигининг департаменти томонидан тасдикланган кўрсатмага мувофиқ келтирилган реквизитларга эга бўлиб, унда харажатларнинг йиғма кўрсаткичлари келтирилади. Лекин ушбу меъёрий усулни қўллаётганда ҳар бир субъект ўзининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда соддалаштириши мумкин.

Мисол: ушбу бланк карточкадан тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта ҳисоблашга таълукли реквизит-кўрсаткич олиб ташланиши мумкин.

Харажатларни ҳисобга олиш (бригадалар бўйича машинограмма, цехлар бўйича ва умумий йиғилган сумма бўйича) карточкаси қўйида келтирилган маълумотларга ишлов берилиб шакллантирилади:

А) Хом-ашё ва материалларга:

- бичиш варақлари ва бажарилган ишларнинг қайдномаси;
- тўқиладиган материаллар, лак, бўёқ ва бошқа кимёвий материаллар бўйича меъёрий сарфларнинг ҳисоби;
- материалларни алмаштириш бўйича талабнома;

- йиғув цехи ва бўлимларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларининг қайдномаси;
- ишлов бериш бўлимларининг ишлов берган маҳсулотларининг қайдномаси;
- цех ёки бўлимларнинг чегара (лимит) карталари, режа-картаси.

Б) Сотиб олинган яримфабрикатлари:

- яроқсизликка чиқарилганлиги тўғрисидаги далолатнома, ускуналарни мослаштириш ва ишчиларни ўқитиш учун сарфланганлигини тасдикловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ишлаб чиқаришдаги сотиб олинган ярим фабрикатлар ва бутловчи қисмларнинг ҳаракати бўйича баланс;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натура кўринишидаги йиғма қайдномаси;
- буюмларнинг турлари бўйича йиғма қайдномаси.

В) Меҳнат хақига:

- бажарилган ишларни ҳисобга олуви чухожатлар;
- четга чиқиш бўйича билдирувчи ҳужжатлар;
- ишлаган вақтларни ҳисобга олуви чубеллар;
- ҳар хил маълумотномалар, фармойишлар ва ҳоказо.

Г) Ўзида ишлаб чиқарилган яримфабрикатларга:

- деталлар, қисмлар ва яримфабрикатларнинг ҳаракати бўйича цехлараро баланс;
- бажарган ишларни ҳисобга олуви чухожатлар;
- яроқсизлиги ва бошқа сабаблар билан ҳисобдан чиқариш далолатномаси;
- материалларнинг меъёрдаги сарфи йиғиндиси;
- сарфланган меҳнатларнинг меъёрий йиғиндиси.

Харажатларни ҳисобга олуви бригаданинг карточкалари сарфланган бевосита харажатларнинг қисми бўйича бўлимлар, цехлар ва субъект бўйича умумий харажатларни йиғади. Кейин эса ушбу харажатларни бухгалтерия счётларидаги йиғма харажатларнинг маълумотлари билан тақдослади. Ушбу йўл билан ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби маълумотларининг бир-бира га тўғри келишига эришилади.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг якуний босқичи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннахини калькуляция қилиш ҳисобланади. Биз мисол келтирган субъект - кир ювиш машиналарини ишлаб чиқарувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёни буюмлар бўйича ёпиқ жараён ҳисобланади. Чунки цехда тайёрланган агрегат ва қисмларнинг бир бўлгаги йиғув цехига топширилса, иккинчи қисми эса эхтиёт қисмлар сифа-

тида ҳаридорларга сотиши учун омборхонага топширилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда мазкур цех фаолиятининг натижасини агрегат ва қисмларни ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажатлар бўйича ва субъект бўйича ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннахри бўйича ҳам ҳисоблаб чиқиша баҳолаш зарурияти туғилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун маҳсус кўрсаткичларга эга бўлган "ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қисмларни калькуляция қилиш варағи" қўлланилади. Ушбу варақ калькуляциянинг мустақил обьекти бўлган ҳар бир маҳсулотнинг тури, бўлим, цех ва субъект бўйича тузилади. Меъёрий калькуляция ёки меъёрининг якуний суммаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, қисмларнинг миқдорига асосан ушбу калькуляция вароқларида тўғри харажатларнинг моддалари бўйича жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг меъёрий таннахри аниқланади. Ушбу меъёрдаги харажатларга меъёрининг ўзгариш суммаси ва ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган меъёрдан четга чиқишлир суммаси ҳам кўшилади. Бундан ташқари ушбу варақда бошқа бўлим ва цехлардан қабул қилинган детал, қисм ва агрегатларнинг миқдори ва қиймати, шу билан бир вақтда бошқа бўлим ва цехларга берилган детал, қисм ва агрегатларнинг миқдори ва трансферт баҳодаги суммаси кўрсатилади. Ўзининг бўлим, цехида сарфланган харажатлардан бошқа цехларга берилган детал ва қисмларнинг қийматини чегириб олинган детал ва қисмларнинг қийматини кўшган ҳолда ушбу цехда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннахри ҳисобланади. Чунки ушбу ҳақиқий таннахри субъект ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот таннахрининг таркибига киради.

Хулоса ва таклифлар. Бизга маълумки, ишлаб чиқариши модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларнинг ҳисобга олиш усусларини ташкил этиш ва маҳсулот таннахини аниқлашда замонавий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар кўриб чиқилди.

Маҳсулотнинг сотиши баҳосини белгилашда, маҳсулотга бозор талабидан сўнг, асосий омил бўлиб маҳсулотни ишлаб чиқариш таннахри ҳисобланади. Таннах эса маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг йиғма ифодасидир. Айниқса нозик ва узоқ технологик жараённи ташкил этувчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннахини тўғри аниқлаш, ҳам аҳоли ижтимоий ҳаётида, ҳам давлат иқтисодиётида муҳум аҳамиятга эгадир.

Ушбу мақолада қуйидагилар кўриб чиқилди ва тавсия этилди:

1. Харажатларни ҳисобга олишнинг усули субъектнинг тармоқ ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши бўйича умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта тури кўриб чиқилди.

2. Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиш суммаси баҳоланганд тайёр маҳсулотнинг

ҳажмига сарфланган ҳақиқий харажатлар билан ушбу маҳсулот учун сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатларни таққослаш йўли билан бир хил маҳсулотларнинг ҳар бир гурӯҳи бўйича аниқлаш тавсия этилди.

3. Ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳисоби тизимидағи йиғма ҳисоб тартиби бир неча босқичи кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, ҳизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар маркеби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида» ги низом.

2. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича 21-БХМС 23.10.2002 йил.

3. Соколов Я.В. Очерки по истории бухгалтерского учета.- М.: «Финансы и статистика». 1991.- 102,317-с.

4. Галаган А.М. Накладные расходы в производстве методы их учета и распределения // Система и организация. - 1924. - №10.

5. Вейцман Р.Я. Фабрично – заводское счетоводство в связи с калькуляцией и коммерческой организацией фабрик и заводов. – 3-е изд. – Одесса, 1917. -63-с.

6. Блатов Н.А. Основы промышленного учета и калькуляции. – М.: ГОНТИ, 1939. -218-с.

7. Рудановский А.П. Руководящие начала (принципы) фабричного счетоведения, вытекающие из понятия о себестоимости. – 2-е изд. – М.: Макиз, 1925. -17-с.

8. Конопляник А. О ценах на нефть и нефтяных дериватаах // Экономические стратегии, 2009, №2.

9. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. -Т.: «Молия», 2003. - 248 б.

10. Ҳолбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамоиллари ва услубиёти-Т.:«ФАН»,2005-198 б.

11. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «Академия» нашриёти, 2002.- 176 б.

12. Махкамова С.Г. "Нефтни қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобини тақомиллаштириш асослари" "Иқтисодиёт ва таълим" журнали 2012 йил 2-сон. Тошкент.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ҲУСУСИЙ КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a24

Тожибоева Шахноза Анваровна -
ТДИУ "Молиявий таҳлил ва аудит" кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди
Равшанов Рамзиддин Раҳмиддин ўғли -
Мухаммедов Илхомжон Обидович -
ТДИУ магистрлари

Аннотация. Мақолада корхона молиявий салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти очиб берилган, унинг маркебини баҳолаш масалалари ёритилган. Бу борада ҳусусий капитал самарадорлигини баҳолаш, жумладан унинг рентабеллик даражаси, айланувчанлик коэффициентларини ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Илмий мақола натижалари аудиторлик текшируvida ҳусусий капиталдан самарали фойдаланишини баҳолаш асосида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Калим сўзлар: аудиторлик текшируви, бухгалтерия баланси, молиявий салоҳият, ҳусусий капитал, узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар, ҳусусий капитал рентабеллиги, ҳусусий капитал айланувчанлиги.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА В АУДИТОРСКИХ ПРОВЕРКАХ

Таджибаева Шахноза Анваровна -
Доцент кафедры "Финансовый анализ и аудит"
ТГЭУ, кандидат экономических наук
Равшанов Рамзиддин Раҳмиддин ўғли,
Мухаммедов Илхомжон Обидович
Магистры ТГЭУ

Аннотация: В статье раскрывается экономическое содержание и сущность финансового потенциала предприятия, вопросы оценки его состава. В связи с этим при оценке эффективности собственного капитала, в том числе уровня его рентабельности, анализируются факторы, влияющие на изменение показателей оборачиваемости. Результаты научной статьи обеспечивают финансовую устойчивость предприятий на основе эффективного использования собственного капитала в аудиторских проверках.

Ключевые слова: аудиторская проверка, бухгалтерский баланс, финансовый потенциал, собственный капитал, долгосрочные и краткосрочные обязательства, рентабельность собственного капитала, оборачиваемость собственного капитала.